

Аллоҳнинг неъматларидан фойдаланиш | Сийрат дарслари (322-дарс)



19:00 / 27 март 465

612. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳ Ўз неъматининг асарини бандасида кўришни севади»**, дедилар».

Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

613. Мисвар ибн Махрама розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яқтак чопонлар тақсимладилар. Махрамага улардан ҳеч нарса бермадилар. Махрама (менга): «Эй ўғлим, мен билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига юр», деди. У билан бордим. «Кириб, уни менга чақир», деди. Мен у зотни унга чақирдим. У зот устларида яқтак чопон билан чиқдилар ва: **«Мана бун сен учун олиб қўйган эдик»**, дедилар». Унга қараб, Махрама рози бўлди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

614. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Ҳар бирингиз мутасаддидир ва ҳар бирингиз қўл**

остидагилари учун масъулдир. Имом мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Эркак ўз оиласида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Аёл эрининг уйида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Ходим ўз хожасининг молу мулкида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Демак, ҳар бирингиз мутасаддидир ва ҳар бирингиз қўл остидагилари учун масъулдир».

Ҳа, мен буларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитдим. Менимча, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эр киши отасининг молида мутасаддидир ва у ўз раиятига масъулдир. Ҳар бирингиз мутасаддидир ва ҳар бирингиз қўл остидагиларига масъулдир»**, ҳам деганлар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

615. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, адолат қилувчилар Аллоҳнинг ҳузурида нурдан бўлган минбарларда, Роҳман аzza ва жалланинг ўнг томонидадирлар. У зотнинг икки қўли ҳам ўнгдир. Улар ҳукмлари, аҳллари ва ўзлари эга бўлган нарсалар (бораси)да адолат қиладиганлардир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

616. Ҳасан Басрийдан ривоят қилинади:

«Убайдуллоҳ ибн Зиёд вафотидан олдинги беморлигида ётган Маъқил ибн Ясор Мазанийни кўргани кирди. Шунда Маъқил: «Сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган ҳадисни сўзлаб бераман. Агар умрим борлигини билсам, айтмас эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қуйидагиларни эшитганман: **«Қайси бир киши мусулмонлардан бир жамоага волий (ҳоким) бўлиб, уларнинг ҳаққига хиёнат қилган ҳолда ўлиб кетса, Аллоҳ унга жаннатни албатта ҳаром қилади»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

